

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент автомобил ва йўллар институти**

Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик кафедраси

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Тошкент - 2010

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон тарихи фанидан мустақил таълим талаблари асосида талабалар учун ёрдам тариқасида тайёрланди.
Услубий кўрсатма кафедра мажлисида муҳокама этилиб, фойдаланиш учун тавсия этилган (баённома № 15, 2010й., 11 январь).

Тузувчилар: Н.Жўрабоев, т.ф.н., доцент
А.Ортиқов, катта ўқитувчи

Такризчилар: Бабаходжаева Л.М., т.ф.н., доцент
Калимбетов Б.У., т.ф.н., доцент

ТАЙИ, 2010 й., Амир Темур шоҳ кўчаси, 20.

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ
ИШЛАШЛАРИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН
М А В З У Л А Р**

Мавзулар		соат
1 мавзу:	И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари	2
2 мавзу:	Цивилизациялар – тарихий тараққиёт омили. Ўрта Осиё цивилизацияси	2
3 мавзу:	Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ҳозирги замон	2
4 мавзу:	Жалолиддин Мангуберди – ватанпарвар сиймо	2
5 мавзу:	«Халифалик» нима?	2
6 мавзу:	«Темур тузуклари» - яратилиши, таржималари, тарқалиши.	2
7 мавзу:	Улуғбек даврида Мовароунахр (XV асрнинг I ярми)	2
8 мавзу:	Ўрта Осиё босиб олинганми ёки қўшиб олинганми (XIX асрнинг II ярми)	2
9 мавзу:	Ўрта Осиё жадиदчилик ҳаракатининг тарихий босқичлари Жадиждарнинг тарихий қарашлари (XX аср боши)	2
10 мавзу:	Туркистон мухторияти уйдирма ва тарихий ҳақиқати (1917-1918 й.й.)	2
11 мавзу:	Тарих тақозо этмаган тадбир ёки Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши (XX асрнинг 20 йиллари)	2
12 мавзу:	Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти	2
13 мавзу:	Мустақиллик – ўзбек халқининг асрий орзуси	2
14 мавзу:	И.А. Каримов Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти	2
15 мавзу:	И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари.	2
16 мавзу:	И.А. Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ташаббускори ва ижодкори	2
17 мавзу:	И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари	2
18 мавзу:	Тошкент - Ўрта Осиё цивилизацияси чорраҳасида (Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги)	2
19 мавзу:	Ўзбекистон минтақа ҳавфсизлигини таъминлаш ва халқаро терроризмга қарши кураш йўлида	2

Мустақил таълим мавзуларининг мазмуни

1. И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари.

Инсоннинг ўзлигини англаш. Ватан тарихи, тили, маданияти ва қадриятларини билишдан бошланади. Тарих сабоқлари. Инсон тафаккурини ошириш, уни хушёрликка ўргатиш зарурияти. Тарихдан жудо бўлган киши манқуртдир. Комил инсонни тарбиялашда тарих фанининг аҳамияти. Маърифат - жамият тараққиётининг асоси, уни ҳалокатдан қутқарувчи куч эканлиги. "Тарих — халқ маънавиятининг асосидир, ўз тарихини билган ва ундан руҳий қудрат олган миллатни енгиб бўлмаслиги.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари . Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Ўзбекистон», 1997.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Ўзбекистон, 2000.

2 . Цивилизациялар – тарихий тараққиёт омили. Ўрта Осиё цивилизацияси.

Цивилизация тушунчаси. Цивилизациялар вужудга келишининг тарихий шарт – шароитлари. Қадимий (антик) цивилизациялар (Рим, Юнон, Инклар, Маялар). Шарк цивилизация ўчоқлари (Миср, Хитой, Ҳиндистон, Месопотамия ва б.). Ўрта Осиё – инсоният цивилизацияси ўчоқларидан бири. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври (IX-XII асрлар). Уйғониш даври - цивилизацион воқелик сифатида. Мустақиллик ўзбек халқи тарихидаги янги цивилизацион босқич.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 том. «Энциклопедия», Т., 2006.

4. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Т.1964.
5. Жўраев Н.Ж. Тарих фалсафаси. Т., 2005.
6. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т., «Ўзбекистон» 1998.
7. Мустақиллик илмий оммабоп изоҳли луғат. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
8. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., “Адолат”, 2001.

3. Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ҳозирги замон.

Туркий халқларнинг келиб чиқиши ҳақида қарашлар. Туркий қатламнинг Турон заминидан азалий этнос эканлиги. Туркий элатларга доир ёзма маълумотлар (Урхун-Энасой, Кўк-Турк, Култегин, Иссиқ ва бошқа ёзувлар). Турк хоқонлигининг вужудга келиши. Туркий элатларнинг Кавказ, Волга бўйлари ва бошқа минтақаларга ёйилиши. Ўғизлар, қорлуқлар, қорахонийлар, салжуқийлар. Салжуқийлар томонидан Кичик Осиёни эгалланиши. Усмонли турк сулоласи. Туркий тилли халқлар ва ҳозирги замон. Туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши. Уларнинг умуминсоният тараққиётига қўшаётган ҳиссалари. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси иштироки.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Т., «Чўлпон», 1993.
3. Насимхон Раҳмонов. Турк хоқонлиги. Т., 1993.
4. Абулғозихон. Шажараи турк. Т., «Чўлпон», 1992.
5. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т., «Адолат», 1997.
6. Зиё Кўкалп. Туркчилик асослари. Т., 1994.

4. Жалолиддин Мангуберди — ватаппарвар сиймо.

XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлатида ижтимоий, сиёсий вазият. Ўрта Осиёга мўғуллар босқини. Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшинларининг мағлубияти ва унинг сабаблари. Жалолиддин Мангуберди. Унинг бошчилигида Турон-замин халқларининг мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашлари. Жалолиддиннинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказ халқларининг ҳамкорликда мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураш учун қилган сайи - ҳаракатлари. Унинг Кавказ халқларини бирлаштириш жараёнида йўл қўйган хатолари. Ўрта Осиё халқларининг босқинчиларга қарши курашларида Жалолиддиннинг тугган ўрни. Жалолиддин таваллудининг 800 йиллиги, унинг миллий қаҳрамон сифатида қадрланиши.

Адабиётлар:

1. Буниёдов З. Ануштагин - Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). Т., “Ғафур Ғулом”, 1998.
2. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи.Т., 1990.
3. Зайниддин Ҳ. Жалолиддин Мамгуберди. Т., «Фан», 1993.
4. Ўзбекистон тарихи. Т., «Университет», 1997.
5. Машарипов О. Хоразм тарихидан лавҳалар.Тошкент., 1996.
6. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Халқ сўзи, 1998 йил 25 сентябр.

5. «Халифалик» нима?

«Халифалик» тушунчаси. Араб халифалиги. Ўрта Осиё Араб халифалиги даврида. Араб халифалигига қарши озодлик курашлари. Халифаликнинг кейинги давлари. Халифаликнинг тугатилиши. Халифаликни тиклаш ғояси, манбалари, босқичлари. «Ҳизб-ут-Таҳрир» - диний экстремистик партияси. Ўзбекистонда ноқонуний фаолият юритган диний экстремистик ташкилотлар. Диний экстремизм ва диний фундаментализм – инсоният келажагига таҳдид.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсаҳасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., «Ўзбекистон»,1999.
4. Диншунослик. Маърузалар матни. Т., 2000.
5. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
6. Закуруллаев А. Ғоялар кураши. Т., 2000.
7. А.Азимов, А.Мўминов. Диний экстремизм таълимотлари. Т., 1999.
8. Рахматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. Т., 2000.

6. “Темур тузуклари” – яратилиши, таржималари, тарқалиши.

“Темур тузуклари” давлат ва жамиятни идора қилишга доир қонун—қоидалар тўплами, шоҳларнинг турмуши ва ахлоқ одоб нормаларини белгиловчи рисола сифатида. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Амир Темурнинг давлат арбоби, саркарда, фан ва маданият ҳомийси, буюк ва мураккаб шахс сифатидаги фаолияти, хусусан, ҳокимиятни қўлга киритиш, марказлашган давлат қуриш, кўплаб мамлакатларга қилган ҳарбий юришлари

баён қилинади. Иккинчи қисм жаҳонгир номидан айтилган васият ва панд—насиҳатлардан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу—тахт эгаларининг тутуми, феъл—атворлари, кишиларни лавозимларга қўйиш, маош белгилаш, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин, бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг давлат олдидаги хизматларини тақдирлаш ва бошқалар хусусида фикр юритилади. Темур тузикларининг яратилиши, таржималари, тарқалиши.

«Куч — адолатдадир» иборасининг талқини.

Адабиётлар:

1. Темур тузуклари. Т., “Ғафур Ғулом”, 1991.
2. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий - сиёсий фаолияти). Т., 1996.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2 жилдлик. Т., «Меҳнат», 1992.
4. Черванский В. Амир Темур. Т., «Ёзувчи», 1993.

7. Улуғбек даврида Моварауннаҳр (XV асрнинг I ярми)

XV аср бошида Мовараннаҳрдаги сиёсий вазият. Улуғбек Мовароуннаҳр ҳукмдори. Ижтимоий – иқтисодий ҳаёт. Улуғбек даврида илм – фан ривож. Улуғбекнинг илмий мактаби. Самарқанд расадхонаси. «Зижи жадиди “Курагоний» асари. «Тарихи арбаи улус» (Тўрт улус тарихи) асари. Улуғбекнинг илмий кашфиётлари. Улуғбек даври тарихшунослиги. Улуғбек давридаги меъморчилик. Улуғбек ва ҳозирги замон.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2001.
3. Амир Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т., 1996.
4. Ўзбекистон тарихи. Дарслик Т., 2006.
5. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Т., 2000.
6. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар даври. Т., «Фан», 1996.
7. Аҳмедов Б.А. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. Т., 1994.

8. Ўрта Осиё босиб олинганми ёки қўшиб олинганми (XIX асрнинг II ярми)

XIX асрнинг II - ярмида ўзбек хонликларидаги ижтимоий сиёсий аҳвол.

Ўрта Осиёдаги феодал тарқоқлик ва унинг оқибатлари. Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши. Тошкент муҳофаази. Туркистон генерал губернаторлиги (ҳарбий диктатураси)нинг ташкил этилиши. Чор Россиясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати. Туркистонни бошқаришнинг «Вақтли Низоми». Руслаштириш ва кўчириш сиёсати. Мустамлакачиликка қарши миллий озодлик курашлари. Тошкент исёни (1892 йил). Андижон кўзғолони (1898 йил). Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини бўйсиндирилиши ва унинг асоратли оқибатлари. «Зирабулоқ» ва «Гандимиён» шартномалари ва уларнинг мустамлакачилик характери. Туркистонни хом – ашё манбаига айлантирилиши. Номоз Примкулов. Жиззах кўзғолони (1916 йил). 1917 йилги феврал инқилоби ва унинг Туркистонга таъсири. Рус мустамлакачилиги даври тарихшунослиги: уйдирма ва ҳақиқат.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
3. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Т., 2000.
4. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотлар. Т., 2000.
5. Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. Т., 1991.
6. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. Т., «Ёзувчи», 1998.
7. Зиёев Х. Туркистонда Россия таъжовузи ва ҳукумронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.
8. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. I китоб. Т., «Шарқ», 2000.

9. Ўрта Осиё жаҳидчилик ҳаракатининг тарихий босқичлари. Жаҳидларнинг тарихий қарашлари (XX аср боши).

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий – сиёсий вазият. Ўлкада жаҳидчилик ҳаракатининг юзага келиши. Исмоил Гаспирали. «Таржумон» газетаси. «Тарраққий» - биринчи жаҳидчилик газетаси. Жаҳид матбуоти. Туркистон жаҳидлари илгари сурган ғоялар, қарашлар ва уларнинг илғор, прогрессив мазмун – моҳияти. Жаҳидларнинг ўлка халқлари орасида олиб борган маданий оқартирувчилик фаолияти. Жаҳид намоёндалари (М. Беҳбудий, А.Авлоний, А.Фитрат, Мунаввар Қори, А. Чўлпон ва б.). Жаҳидизм намоёндаларининг Туркистондаги демократик ва миллий истиқлолчилик ҳаракатларига ўтказган муҳим таъсири. Туркистон жаҳидчилик ҳаракатининг тарихий босқичлари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
3. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
4. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Ўзбегим. Т., «Ватан», 1996.
6. Садиков М. Эркесвар хурриятпарвар эл ворисларимиз. Т., «Камалак», 1992.
7. Жадидчилик: ислохот, янгилавиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., «Университет», 1992.

10. “Туркистон мухторияти”: уйдирма ва тарихий ҳақиқат (1917-1918 й.й.)

1917 йилги Россия октябрь тўнтаришидан кейинги даврда Туркистондаги вазият. Ўлкада миллий демократик ташкилотларнинг пайдо бўлиши. «Шўрои Ислом» ва «Шўрои уламо» ташкилотлари. Ўлка мусулмонларнинг I-III-курултойлари. Мухторият ғояси. Ўлка мусулмонларининг IV курултойи. Туркистонда шўролар миллий сиёсати. «Туркистон мухторияти»нинг ташкил топиши. 1918 йили Фарғонадаги воқеалар. «Туркистон мухторият» ҳақидаги уйдирма ва ҳақиқат. «Туркистон мухторияти»нинг ўзбек миллий давлатчилигидаги ўрни ва аҳамияти

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Асарлар 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Ўзбекистон тарихи. Дарслик Т., 2006.
4. Агзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Т., «Фан», 1996.
5. Тоҳир Каҳҳор. Хур Туркистон учун. Т., «Чўлпон», 1994.
6. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996.

11. Тарих тақазо этмаган тадбир ёки Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши (XX асрнинг 20 йиллари).

Шўроларни Туркистонда юритган миллий сиёсатининг шовинистик моҳияти. «Турккомиссия» фаолияти. Туркистонни парчалаш сари. «Бўлиб юбор ва ҳукумронлик қил» сиёсати. Ўрта Осиё миллий давлат чегараларининг ўтказилиши. Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиясининг ташкил топиши. ЎзССР нинг СССР таркибига киритилиши. Миллий – давлат чегараланишининг

ўтказишдаги нуқсонлар. А.Икромов, Й. Охунбобоев, Ф.Хўжаев, А.Раҳимбобоевлар фаолияти

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.,«Ўзбекистон»,1997.
2. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
3. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Т., 2000.
4. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотлар. Т., 2000.
5. Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Т., «Ўзбекистон»., 1990.
6. Усмонов Қ., Содиқов М. ва б. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т., «Ўқитувчи», 1996.

12. Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти

Шароф Рашидов давлат ва жамоат арбоби сифатида. Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон. Шароф Рашидов даврида Ўзбекистоннинг марказ билан муносабатлари. 60-80 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Шароф Рашидовнинг адабий – бадиий фаолияти. Шароф Рашидов шахсининг қораланиши ва мустақиллик даврида унга бўлган муносабатнинг ўзгариши.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
3. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотлар Т., 2000.
4. Усмонов Қ., Содиқов М. ва б. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида». Т., «Ўқитувчи»,1996.
5. Хўжамбердиев Ё. “Ўзбеклар иши”. Т., «Ёзувчи», 1990.

13. Мустақиллик – ўзбек халқининг асрий орзуси

«Мустақиллик» тушунчаси, моҳияти, мазмуни. Ўзбек халқининг мустақиллик учун кураш тарихидан. Мустақил Ўзбекистон давлатининг барпо этилиши. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритилиши – ўзбек халқи ҳаётида мислсиз тарихий воқеа. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши. 1 сентябр - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни – Умумхалқ байрами деб белгиланиши.

Ўзбек халқининг асрий орзусининг ушалиши. «Мустақиллик» бизга нима берди? 1991 йил 29 декабрдаги референдум томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг маъқулланиши.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Асарлар, 1 жилд «Ўзбекистон », 1992.
3. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов К. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол тарихи Т., «Шарқ», 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992.
5. Ғуломов С., Исломов К. Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди. Т., 2000.
6. Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.

14. Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти

И.А.Каримовнинг Ўзкомпартия Марказий қўмитасига биринчи котиб этиб сайланиши. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзгаришларнинг бошланиши. Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти этиб сайланиши. Ўзбекистон «Мустақиллик Декларацияси» нинг қабул қилиниши. И.Каримов – мустақиллик меъмори. И.Каримовнинг умумхалқ сайлови томонидан (1991 йил 29 декабрь) мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланиши. Ислом Каримов – давлат арбоби, ислохотчи сифатида.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Леонид Левитин, Дональд С.Карлайл. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Мустақиллик. Изоҳли илмий – Оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.
4. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
5. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол тарихи. Т., «Шарқ», 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992.

15. И.А.Каримовнинг “�збекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асари.

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини баён қилиниши. Ўз йўлимизнинг шарт – шароити ва заминлари. Ўзбекистон – демократик ва ижтимоий адолат жамияти. Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати. Ижтимоий жихатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш – мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий – ахлоқий негизлари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., Т., 2008
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон». 1992.
5. Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.

16. И.А. Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ташаббускори ва ижодкори

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тайёрлаш бўйича комиссия фаолияти. Конституция лойиҳалари муҳокамаси. Конституция янги лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши. Конституциянинг тузилиши. Президент Ислам Каримов – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқиш ташаббускори ва ижодкори. Асосий қомусимиз – буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Мустақил тараққиёт йўлида. Т., 1994.
3. Ўзбекистон Республикаси. Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992.
4. Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.

17. И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари.

I. Хавфсизликка таҳдид:

Минтакавий можаролар. Диний экстремизм ва фундаментализм. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик. Этник ва миллатлараро зиддиятлар. Коррупция ва жинойтчилик. Маҳалийчилик ва уруғ – аймоқчилик муносабатлари. Экологик муаммолар.

II. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари:

Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англатишнинг тикланиши. Давлатчиликнинг шакллантириш ва мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш. Демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва унинг тамойиллари. Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг ижтимоий фаоллигини ортиши. Жуғрофий – стратегик имкониятлар ва тиббий хом– ашё ресурслари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

18. Тошкент - Ўрта Осиё цивилизацияси чорраҳасида (Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги)

Ўлкамизда қадимги шаҳарсозлик. Қадимги Тошкент (Чоч, Шош, Бинкат). Тошкент илк ўрта асрларда. Мустақил Тошкент бошқарувининг ташкил топиши (18 аср). Тошкент Қўқон хонлиги таркибида. Тошкент мудофааси (1865 йил). Тошкент Туркистон генерал губернаторлигининг маъмурий маркази сифатида. Тошкент шўролар даврида. Тошкент – мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти. Тошкентдаги тарихий ёдгорликлар. Мустақиллик даврида Тошкент. Тошкент Шарқ дарвозаси. Тошкент – ислом маданиятининг пойтахти. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигининг кенг нишонланиши.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., «Қомус» бош таҳририяти, 2006.
2. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т., 2006.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2001.
4. Мукминова Р. Ташкент на перекрёстке истории. Т., 2008.
5. Алимова Д., Филанович М.И. Тошкент. Т., 2009.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Т., “Фан”, 1988.
7. Тошкент – Ўрта Осиё цивилизацияси чорраҳасида. Т., ТАЙИ, 2009.

19. Ўзбекистон минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро терроризмга қарши кураш йўлида

XXI аср бўсағасида халқаро вазият ва кучлар нисбатининг ўзгариши. Минтақавий можаролар. Ўзбекистоннинг жуғрофий – сиёсий имкониятлари. Марказий Осиё ҳамдўстлигидаги ўрни. Ўзбекистоннинг тенгликсевар ташқи сиёсати асосларини ишлаб чиқиши. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги қардош мамлакатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлиги. Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона. Ягона иқтисодий макон, диний экстремизм, халқаро террорчиликка қарши кураш ҳақидаги шартномаларнинг имзоланиши ва аҳамияти. Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари. Афғонистон можароси ва уни ҳал қилиш йўлида Ўзбекистоннинг саъй – ҳаракатлари. 6+3 таклифи.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қадриятимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.
4. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлида. «Ўзбекистон ташқи сиёсат ва дипломатияси. «Ўзбекистон», 1993.
5. Мустақиллик. Изоҳли илмий оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАКЛИ

Мавзулар		Шакли
1 мавзу:	И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари	Конспеклаштириш
2 мавзу:	Цивилизациялар – тарихий тараққиёт омили. Ўрта Осиё цивилизацияси	Мулоқот
3 мавзу:	Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ҳозирги замон	Бахс-мунозара
4 мавзу:	Жалолиддин Мангуберди – ватанпарвар сиймо	Реферат
5 мавзу:	«Халифалик» нима?	Бахс-мунозара
6 мавзу:	«Темур тузуклари» - яратилиши, таржималари, тарқалиши.	Маъруза
7 мавзу:	Улуғбек даврида Мовароунахр (XV асрнинг I ярми)	Тест синови
8 мавзу:	Ўрта Осиё босиб олинганми ёки қўшиб олинганми (XIX асрнинг II ярми)	Мунозара
9 мавзу:	Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг тарихий босқичлари Жадиждларнинг тарихий қарашлари (XX аср боши)	Реферат
10 мавзу:	Туркистон мухторияти уйдирма ва тарихий ҳақиқати (1917-1918 й.й.)	Маъруза
11 мавзу:	Тарих тақозо этмаган тadbир ёки Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши (XX асрнинг 20 йиллари)	Тест синови
12 мавзу:	Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти	Реферат
13 мавзу:	Мустақиллик – ўзбек халқининг асрий орзуси	Реферат
14 мавзу:	И.А. Каримов Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти	Реферат
15 мавзу:	И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари.	Конспеклаштириш
16 мавзу:	И.А. Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ташаббускори ва ижодкори	Маъруза
17 мавзу:	И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари	Конспеклаштириш
18 мавзу:	Тошкент - Ўрта Осиё цивилизацияси чорраҳасида (Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги)	Тест синови
19 мавзу:	Ўзбекистон минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро терроризмга қарши кураш йўлида	Тест синови

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Ушбу концепция ўзбек халқи ва давлатчилигини ҳолисона ўрганишнинг илмий методологиясини шакллантириш, шу асосда ўзбек халқи ва унинг давлатчилигини ҳаққоний тарихини яратиш, халқимизда, айниқса, ёш авлодда тарих тафаккурини ва тарихий хотира туйғусини тарбиялашга йўналтирилган. Концепциянинг асосий, таянч илмий ғоялари қуйидагилардир:

- ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи ўтроқ, сунъий суғорма деҳқончилик ишлаб чиқарувчи хўжалиги заминидан бронза асридаёқ Аму ва Сирдарёлар оралиғида вужудга кела бошлаган. Унинг тадрижий давомида мил.ава. 1 минг йиллик бошларида йирик давлат уюшмалари сифатида ривож топган;
- ўзбек халқи давлатчилиги тарихи салкам уч минг йилдан буён умумжаҳон тарихи ҳамда инсоният жамияти тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Турли номлар билан аталиши, сулолаларнинг алмашинуви каби омиллар ўзбек давлатчилиги тарихининг босқичлари бўлиб, унинг бутунлигини ва асосий моҳиятини ўзгартирмайди;
- ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси бўлиб, унинг антропологик қиёфасида Ўрта Осиё - Фарғона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи Аму ва Сирдарё оралиғида барча қадимий даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғланади;
- Ўзбекистон ҳудудлари цивилизацияси Ўрта Осиё халқлари тарихий-маданий тараққиётининг узвий қисми сифатида минг йиллар давомида жаҳоннинг илғор цивилизациялари билан ҳар томонлама алоқада ривожланиб ҳамда инсоният цивилизациясининг тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Бу макон умумжаҳон цивилизациясини ривожлантиришга хизмат қилувчи илғор ғояларни юзага келтирувчи, сақловчи ва дунёга тарқатувчилик ролини ўйнаб келган;
- Концепциянинг манбашунослик ва тарихшунослик асосини улкан моддий ёдгорликлар мажмуи, ёзма ёдгорликлар ва дунё тарих фани эришган ҳолисона ҳулосалар ташкил этади.

Концепциянинг мақсади ва вазифалари: Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси ўзбек халқининг қадимий давлатчилиқ анъаналари бекиёс аҳамият касб этиши Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримовнинг асарларида ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, Концепцияда истиқлол мафкураси ва миллий ўзлиқни англашнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек давлатчилигининг ҳолисона, ҳаққоний тарихини яратиш мақсади белгиланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- Ўзбекистонда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланилиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг

маданияти ҳал қилувчи омил бўлганини кўрсатиб бериш;

- миллоддан аввалги IX-VIII ва VII-VI асрларда илк давлатчилигимиз ташкилий жараёнини чуқур ва изчил тадқиқ этиш;
- аҳамонийлар босқини, македониялик Искандар ва унинг ворислари даврида қадимий давлатчилигимизни тиклаш учун курашнинг моҳиятини очиб бериш кушонлар сулоласи даври тарихини ўзбек давлатчилиги тарихи асосида чуқур тадқиқ этиш;
- Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ва унинг ички, ташқи савдо, иқтисодий ва маданий муносабатларда тутган ўрнини ёритиб бериш;
- Илк ва ривожланган ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг барча босқичлари тарихини яхлит тизим сифатида ўрганиш ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожланишига қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш;
- XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда марказлашган ўзбек давлатчилиги ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари ва хусусиятларини Амир Темурнинг жаҳон тарихида йирик давлат арбоби, маданият ва фан ҳомийси сифатида тутган ўрнини чуқур ёритиш;
- XV-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларида, сиёсий тарқоқлик шароитида бошқариш усулларидаги нуқсонларини, маданият, фан, санъат соҳаларидаги таназзул аломатларини ўрганиш;
- ўзбек халқининг Чор Россияси мустамлакачилиги ва шўролар истибдоди давридаги иқтисодий, ижтимоий, маданий аҳволига ҳолисона баҳо бериш;
- ўзбек давлатчилиги тарихининг истиқлол қўлга киритилгандан кейинги энг янги даврини ҳар тарафлама кенг ёритиш.

Концепциянинг ғоявий асослари:

- Ўзбекистон ҳудудида туб аҳоли ва унинг аجدодларининг кўп минг йиллар давомида ўтроқ яшаб келганлиги ҳамда маҳаллий маданиятининг бой қадимги илдири ва ўтмиши бўлганлиги;
- Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишида миллоддан аввалги III-II минг йилларда шаклланган сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳўжалиги, ҳунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг асосий омил эканлиги;
- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишида илк шаҳарларнинг муҳим аҳамияти;
- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида туб аҳолининг урф- одатлари, анъаналари ва маънавияти, азалий ижтимоийлашув бирлаштирувчи омил бўлганлиги;
- Ўзбекистоннинг илк давлатчилиги тарихи геогрфик, ҳудудий маънода нафақат бугунги Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё миқёсидаги қадимий-маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларини қамраб олган сиёсий- ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилинмоғи лозимлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва босқичма-босқич ривожланишида ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари, унинг жаҳон цивилизацияси ривожланиши ва дунё халқлари тарихидаги тутган муҳим ўрни.

Ўзбекистон тарихида қуйидаги даврлар алоҳида аҳамият касб этади:

1. Ўзбекистонда давлатчиликка ўтиш даври (мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида ва иккинчи ярми);
2. Илк давлатуюшмалари (мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярми);
3. Қадимги давр давлатчилиги тарихи (мил. авв. IV аср охири-миллодий IV аср);
4. Илк ўрта аср давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача);
5. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги (IX-XIII аср бошлари);
6. Амир Темур ва темурийлар давлати (XIV аср иккинчи ярми –XVI аср бошлари);
7. XVI-XIX аср биринчи ярми давлатчилиги тарихи;
8. Ўзбекистон XIX аср 2- ярми ва XX аср мустамлакатчилиги даврида;
9. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.

Концепция мазмунининг асосий йўналишлари:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири. Ўзбек халқининг дунё тарихи ва маданиятининг тараққиётида тутган ўрни. Қадимги ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда археологик ва ёзма манбаларнинг аҳамияти. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. “Авесто” тарихий манба сифатида;
- дастлабки давлатчиликка ўтиш даври. Миллоддан аввалги 1500-1000 йиллар. Давлатчиликнинг шаклланишида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг аҳамияти. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, манзилгоҳлар ва бинокорлик. Хунармандчилик, савдо-сотиқ, маданий алоқалар, ўтроқ деҳқончилик ва чорвадор аҳолининг ўзаро муносабатлари;
- миллоддан аввалги IX-VIII асрлар. Этник ва маданий жараёнлар. “Авесто”даги ҳарбий- сиёсий уюшмалар ҳақида маълумотлар. Археологик тадқиқодларнинг натижалари;
- миллоддан аввалги VII-VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши. Тарихий география. Тарихий-маданий вилоятлар. Давлатчиликнинг ривожланишига ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг қўшган ҳиссаси. Қадимги қабилалар ва халқлар. Моддий ва маънавий маданият. Маданий алоқалар.

Ўзбек давлатчилиги босқичлари: Қадимги Хоразм, Бактрия, Суғд, Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳарларнинг ривожланиши;

- аҳамоний босқичларига қарши кураш. Ўзбекистон вилоятлари аҳамонийлар давлати таркибида. Аҳамонийлар давлатининг тугаши;
- Македониялик Искандарнинг юришлари. Босқинчиларга қарши кураш. Юнонлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Бошқарув тизими. Ижтимоий- иқтисодий ҳаёт;
- Салавка ҳокимияти. Мустақилликка интилиш. Юнон-Бактрия давлати. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлар;
- юечжи қабилалари. Юнон –Бактрия подшолигининг тугатилиши. Кушонлар сулоласи. Бошқарув усуллари ва маъмурий тизими. Ички аҳволи ва ташқи муносабатлари. Хўжалик ва маданият. Дин ва эътиқодлар. Ёзма ёдгорликлари;
- миллоддан аввалги VI- миллодий IV аср бошларида Хоразм. Ёзма ёдгорликлар асосида маданий, хўжалик ва ижтимоий ҳаёт таҳлили;
- Африкийлар сулоласи. Хоразмнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни ва аҳамияти;
- Қанха ва Даъван (Паркана) давлатчилиги даври;
- Суғд ва халқаро савдо. Ўзбекистоннинг қулай географик минтақада жойлашганлиги. Буюк Ипак йўли. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро таъсир жараёнлари;
- Сосонийлар ва Ўрта Осиё муносабатлари. Хионийлар. Кидарийлар. Эфталлийлар ва сосонийлар. Эфтанфлар давлатчилиги. Ички тизими, ижтимоий- иқтисодий муносабатлари, маданияти;
- Маҳаллий халқлар ва Турк ҳоконлиги. Этник жараёнлар. Бошқарув тизими. Ижтимоий- иқтисодий муносабатлар. Маданий жараён;
- Ўзбекистон ҳудудлари араб истилоси даврида. Истилога қарши кураш. Халифалик ҳокимиятининг ўрнатилиши. Янги бошқарув тизими. Ислам динининг тарқалиши;
- IX-XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихида тоҳирийлар, сомонийлар, қорахонийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар сулоалари. Уларнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсати. Иқтисодий ва имжтимоий муносабатлар. Солиқ тизими. Ҳуқуқ. Маданий, маънавий ҳаёт. Ислам ҳуқуқшунослиги;
- мўғул истибдоди даври. Озодлик учун кураш. Чиғатой улуси. Бошқарув тизими. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий-тарихий вазият. Сарбадорлар кўзғолони ва халқнинг озодлик учун кураш. Мўғуллар ҳукмронлигининг тугаши;
- Амир Темури давлатининг ташкил топиши. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёдаги ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Амир Темурининг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузилиши. Ижтимоий- иқтисодий муносабатлар. Солиқлар тизими. Ҳуқуқ . халқаро дипломатик муносабатлар ва савдо. Фан ,

маданият, санъатнинг тараққиёти. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Темурийлар даврида Мувароуннаҳр ва Хуросон. Шохруҳ ва Улуғбек;

- шайбонийлар , аштархонийлар ва манғитлар сулолалари. Ўрта Осиёда Бухоро , Хива ва Қўқон хонликлари ўзбек давлатчилигининг сиёсий парокандалик даври сифатида. Улардаги бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Солиқлар. Давлатчиликнинг ҳуқуқий асослар. Халқаро савдо ва дипломатик муносабатлар ривож. Фан , маориф, санъат ва маданият. Адабиёт ва тарихнавислик;
- Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг ўрнатилиши. Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан қўлланган Россия протекторати мақомининг моҳияти. Миллий озодлик учун кураш. Халқ қўлғолонлари. Жаҳидчилик ҳаракати;
- Туркистонда шўролар истибдодининг қарор топиши;
- Туркистонда озодлик ва мустақиллик учун кураш. Туркистон мухторияти. Унинг тугатилиши сабаблари. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг тугатилиши “ Халқ жумҳурият”ларининг ташкил топиши. Шўроларнинг “ миллий сиёсати”. Истиқлолчилик ҳаракати ва унинг енгилиш сабаблари;
- “миллий давлат чегараланиши” нинг сиёсий моҳияти. Тоталитар тузумнинг қарор топиши. Саноатлаштириш, ер-сув ислоҳоти, маданий инқилоб ва уларнинг оқибатлари. Шўроларнинг қатағон сиёсати қурбонлари. Ўзбекистон Иккинчи Жаҳон уруши йилларида. 50-80 йилларда сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг кучайиши. Шўролар ҳокимияти ва СССР нинг барҳам топиши;
- Ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг янги давр. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши. Ислохотлар ва янгиланиш. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт. Халқ таълими, фан ва маданият. Маънавият ва маърифат, миллий ва диний анъаналар, прогрессив урф-одатлар ва маънавий қадриятларнинг тикланиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқодларини замонавий талаблар даражасига кўтариш, Ўзбекистон тарихи бўйича салоҳиятли етук тарихчилар илмий мактабини яратиш, Ватанимизнинг бой ва ранг-баранг тарихини тиклаш, унинг негизида халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш ҳамда тарихий хотира туйғусини тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилигини ҳаққоний тарихини ўрганиш, мамлакатимиз ва чет элларда мавжуд тарихий манбалар таҳлили асосида олинган илмий натижаларнинг жаҳон миқёсидаги эътирофига эришиш, уларга таянган ҳолда илмий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, турли адабиётлар яратиш ва мазкур билимларни кенг ёйиш ҳамда тарих соҳасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих Институти фаолиятининг бош мақсади деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих Институтининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Институт ходимларининг умумий сони 100 нафардан иборат этиб белгилансин..

Фанлар академиясига ходимларнинг тасдиқланган сони ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Тарих институти тузилмасига ўзгартириш киритишга рухсат берилсин.

3. Қуйидагилар Тарих институтининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчилик асосларини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар ва давлатнинг келиб чиқиши масаласини атрофлича тадқиқ этиш ва аниқлаш;

ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенези ҳамда ушбу муаммолар бўйича археологик ва барча турдаги ёзма манбалар тадқиқотлари натижаларини жамлаш, ҳар томонлама илмий-қийматли таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш, ҳолисона тадқиқотлар натижалари асосида илмий, илмий-оммабоп асарлар,

дарсликлар яратиш ҳамда Ўзбекистон тарихий Атласини тайёрлаш;

мамлакатимиз ва чет эл олимларининг энг қадимдан ҳозирги кунгача ўзбек халқи тарихи бўйича амалга оширган тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида уларнинг батафсил библиографиясини ва илмий тарихшунослигини яратиш;

ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига оид тадқиқотларини олиб боришда, уларни оммалаштиришда бир ёклама ёндашувга, ўтмишни сохталаштиришга, мустамлакачилик мафкураси ақидаларига йўл қўймаслик ҳамда эски ғоявий андазалардан ҳоли бўлган, замонавий илмий тафаккур асосларини ўзида мужассам этган, тарих илмининг истиқлолга хос фалсафасини ўзлаштирган тарихчи олимларнинг янги авлодини тарбиялаш;

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ, мамлакатимизда олий таълим тизимининг тарихга тааллуқли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар, айниқса, магистрлар тайёрлашда фаол иштирок этиш. Бу борада олий таълим муассасалари билан бевосита илмий ва ижтимоий ҳамкорлик ўрнатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларини уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

Чет эл илмий марказлари билан назарий ҳамда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш в ривожлантириш, илмий анжуманлар, барча шаклдаги илмий муҳокама, мунозара, фикр алмашув тадбирларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

Тарих институтининг вазифалардан келиб чиқиб, икки ҳафта муддатда унинг Низоми ҳамда штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин;

икки ҳафта муддатда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда Тарих институтининг илмий йўналишлари мавзуларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда Тарих институтининг барча илмий ходимларини аттестациядан ўтказсин;

бир ой муддатда Академиянинг Қорақалпоғистон, Самарқанд бўлимлари, Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий йўналишлари дастурини ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш вазифасига мувофиқ қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Тарих институтининг илмий салоҳиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда унинг таркибини ёш замонавий фикрловчи истеъдодли олимлар билан кучайтирилсин;

Ҳар олти ойда академик Яҳё Ғуломов номидаги “ Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи” республика илмий семинарини ташкил этсин. Семинар ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида, унинг илмий кенгашини тузсин. Семинарнинг илмий мажлислари республиканинг барча вилоятларида мунтазам ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Семинар материалларини мунтазам тўплам сифатида нашр этиш масаласини ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўз тасарруфидаги илмий муассасаларнинг, шунингдек, республика тарих фани бўйича тадқиқотлар олиб бораётган бошқа илмий ва таълим муассасаларининг изланишларини мувофиқлаштириб боришни ҳамда уларнинг узвий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Ватанимиз тарихининг долзарб масалаларини ёритувчи даврий тўплам ва “Ўзбекистон тарихи” илмий журналининг бир ой муддатда ташкил этсин. Шунингдек, илмий- оммабоп тарихий туркумини нашр этишни назарда тутсин;

Тарих институтини замонавий компьютер, нусха кўчириш техникаси ва ахборот соҳасидаги бошқа моддий- техник воситалар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддат республикадаги мавжуд барча тарихий музейлар илмий тадқиқот ишларини ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда Тарих институти фаолиятига мувофиқлаштириш дастурини ишлаб чиқсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 1998 йил 1 сентябрга қадар Тошкент давлат университети, Тошкент давлат педагогик университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа олий таълим муассасаларининг тарих факультетларида кадрлар тайёрлаш ўқув режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1998\99 ўқув йили давомида Бухоро, Урганч ва Тошкент шаҳарларида тарих фани бўйича ихтисослаштирилган махсус мактаблар ташкил этсин. Ушбу мактабларнинг ўқув жараёнига олий ўқув юртлари педагоглари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

- мутахассислари жалб қилинсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи ҳақидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш дастурини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда амалга оширсинлар.
 9. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбек халқи тарихи бўйича диссертация ишларига талабни кучайтирсин. Бунда бирламчи тарихий манбалардан фойдаланиш асосий талаблардан бири деб ҳисоблансин.
 10. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви ва “Ўзбошархив” Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, мазкур қарор доирасида фаолият кўрсатаётган илмий тузилмалар ходимлари учун тарихий ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратсин.
 11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси Тарих институтининг янги тузилмасига мувофиқ харажатларини қоплаш зарур моддий-техникавий ашёлар билан таъминлаш, Фанлар академияси йўлланмаси билан мутахассисларнинг республикамиз ва чет эллар бўйлаб илмий экспедицияларини ташкил этиш, ходимларнинг хорижий илмий марказларда ишлаши, у ердаги тарихий манбаларнинг асли нусхаларини харид қилиш учун Фанлар академиясининг ҳисоб-китоби асосида Тарих институтини 1999 йилда ва келгуси йилларда маблағ билан таъминласин. Тарих институтининг илмий-тадқиқот ишлари учун сарфланадиган харажатларни қоплаш, 1998 йилда Фан ва техника давлат қўмитасининг заҳира маблағлари доирасида амалга оширилсин.
 12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И.А. Каримов

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 июль.